

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЖТИМОЙ ИҚТИСОДИЙ ФАКУЛЬТЕТИ

Б И Т И Р У В
М А Л А К А В И Й
И Ш И

**Мавзу: “Ўзбекистон таълим тизимида олиб
борилаётган ислохотлар ва унинг истиқболлари”**

Бажарди: 5111000-касб таълими: иқтисодиёт таълим йўналиши
4 -курс 407 гуруҳ талабаси

Чориев Набижон Самижонович

Илмий раҳбар:

И.Ф.Н. Ў.Ражабов

Термиз – 2016 й

Мундарижа:

Кириш	3-6
I-БОБ. Ўзбекистонда таълим тизимининг ташкилий-ҳуқуқий асослари ва ривожланиш босқичлари	7-27
1.1. Ўзбекистонда таълим мазмуни ва амал қилиш таркиби.....	7-11
1.2. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида таълим тизимини мустаҳкамлашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий базанинг тадрижи.....	11-23
1.3. Таълим мазмуни ва сифатидаги таркибий ўзгаришлар ва йўналишлар.....	23-27
II -БОБ. Таълим тизимини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари ва истиқболлари	28-45
2.1. Таълимда педагог кадрлар салоҳияти ва малакасини ошириш соҳасидаги ишлар.....	28-32
2.2. Таълим тизимининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш – замон талаби эканлиги.....	32-37
2.3. Битирувчилар самарали бандлигини таъминлаш таълим ислохотларининг асосий йўналиши сифатида.....	37-45
Хулоса ва таклифлар	46-48
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	49-51

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги: Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда жаҳон таълими майдонига киришга йўналтирилган янги таълим тизими қарор топди. Бу жараён билан бир вақтда педагогик ўқув тарбия жараёнининг назарияси ва амалиётида сезиларла ўзгаришлар содир бўлмоқда. Таълимдаги ёндашувлар таркиби ўзгармоқда. Ва бошқача муносабатлар, педагогик менталететлар ўрганилмоқда.

Таълим таркиби янги процессига оид маҳоратлар, ахборотлар билан ишлаш қобилиятининг ривожланиши, илмий муаммо ва бозор амалиётининг ижодий ечимининг таълим дастурларини индивидуаллаштиришга қаратилиши билан бойитилмоқда.

Малакали кадрлар тайёрлаш жараёнининг ҳар бир босқичи ўзида таълим жараёнини самарали ташкил этиш, уни юқори босқичларга кўтариш, шу билан бирга жаҳон таълим даражасига етказиш, борасида муайян вазифаларни амалга ошириши лозим.

Президентимиз И.А.Каримов мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида ушбу масалага эътибор қаратиб, “.....қайси мутахассисликлар бўйича қандай кадрлар кераклигини ҳар томонлама ҳисобга олиш ва шу асосда қабул режасига тегишли ўзгартиришлар киритиш ғоят муҳим масала эканлигини эслатиб ўтмоқчиман”, деб таъкидлаганлари ҳам бежиз эмас.¹ Ушбу қўйилган вазифаларни амалга оширишда таълим тизимининг аҳамияти яққол кўзга ташланади ва мазкур соҳадаги ислохотларни давом эттириш, таълим соҳасидаги ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганишга ҳамда илмий изланишлар олиб боришга ундайди.

¹ Каримов И.А. “2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш-устувор вазифамиздир ” Вазирлар Маҳкамасидаги маърузаси. // Adolat газетаси 2015 йил. 17 январь №3.

Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиши ва хорижий мамлакатлар билан интеграциялашуви, инсон капиталининг шаклланиши, сифими юқори бўлган соҳаларнинг ривожланаётганлиги таълим тараққиётига зарурат туғдирмоқда. Шу сабабли Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки давридан таълим ислохотларига жиддий эътибор қаратилди ва уни янада такомиллаштириш кун тартибига қўйилмоқда.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси: Иқтисодий эркинлаштириш шароитида, таълим ислохотларини чуқурлаштириш мақсадида, таълимнинг жамиятдаги муҳим аҳамиятини тадқиқ этиб кўплаб олимлар ва тадқиқотчилар ушбу йўналишда илмий изланишлар олиб боришган. Улардан – Д.Тожибоева, Ш.Шодмонов, Р.Хасанов, Н.Хўжаев, С.Ғуломов, Ж.Хасанбоев, И.Мамажанова, Г.Мусахонова, У. Азизходжаева, Л. Голиш, Ў. Толипов, Б.Ходиев, П.Хошимов, Х.Абулқосимов ва бошқаларнинг ишларида таълим тизимининг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти таҳлил этилган.

Битирув малакавий ишнинг мақсади: Иқтисодий эркинлаштириш шароитида таълим соҳасини ривожлантириш ва жамиятдаги мавқеини янада оширишдан иборат.

Битирув малакавий ишнинг объекти: Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган таълим муассасалари ва уларнинг фаолияти.

Битирув малакавий ишнинг предмети: Ўқув жараёнини технологиялаштириш мазмуни, усуллари.

Битирув малакавий ишнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- Ўзбекистонда таълим мазмуни ва амал қилиш таркиби;
- иқтисодий эркинлаштириш шароитида таълим тизимини мустаҳкамлашга қаратилган меъерий-ҳуқуқий базанинг тадрижи;
- таълим мазмуни ва сифатидаги таркибий ўзгаришлар ва йўналишлар;
- таълимда педагог кадрлар салоҳияти ва малакасини ошириш соҳасидаги ишлар;
- таълим тизимининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш – замон талаби эканлиги;

- битирувчилар самарали бандлигини таъминлаш таълим ислохотларининг асосий йўналиши сифатида.

Битирув малакавий ишнинг методлари: муаммога бағишланган илмий ишлар ва адабиётлар таҳлили; педагогик кузатиш, суҳбатлар, эксперт баҳолаш;

Битирув малакавий ишнинг методологик асоси: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси; “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”; И.А.Каримов асарлари ва маърузалари, Вазирлар маҳкамасининг Ўрта умум таълим ва касб-хунар таълими тизимини такомиллаштиришга оид қарорлари ва Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида таълимнинг устувор йўналиш эканлиги ҳақидаги ғоялар, мазкур муаммога оид етук мутахассис олимлар томонидан илгари сурилган назариялар ва қарашлар тадқиқотнинг методологик асосини ташкил этди.

Битирув малакавий ишнинг илмий аҳамияти ва янгилиги қуйидагилардан иборат: Таълимга замонавий ёндашувнинг моҳияти ва унинг тадрижий ривожланиши, Шахсга йўналтирилган ривожлантирувчи таълим ва уни амалга ошириш шартлари, мустақиллик йилларида таълим тадрижи ва ривожланиш тенденциялари ўрганилди ва таҳлил этилди.

- Ўзбекистонда таълим мазмуни ва амал қилиш таркиби аниқланган;
- иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида таълим тизимини мустаҳкамлашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий базанинг тадрижи умумлаштирилган;
- таълим мазмуни ва сифатидаги таркибий ўзгаришлар ва йўналишлари ишлаб чиқилган;
- таълимда педагог кадрлар салоҳияти ва малакасини ошириш соҳасидаги ишлар аниқланган;
- таълим тизимининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш – замон талаби эканлиги аниқланган;
- битирувчилар самарали бандлигини таъминлаш таълим ислохотларининг асосий йўналиши сифатида ишлаб чиқилган.

Битирув малакавий ишнинг амалий аҳамияти: Тадқиқот иш доирасида ишлаб чиқилган таълимнинг замонавий моделидан келгусида таълим тараққиётида ва таълимни тизимлаштиришда, келгусудаги ишларни режалаштиришда фойдаланиш мумкин.

Битирув малакавий ишнинг тузилиш ва ҳажми: кириш, иккита боб, 6 банд, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I-БОБ.Ўзбекистонда таълим тизимининг ташкилий-ҳуқуқий асослари ва ривожланиш босқичлари

1.1. Ўзбекистонда таълим мазмуни ва амал қилиш таркиби

Ўзбекистоннинг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиши шароитида таълим соҳасини ривожлантириш, мазкур секторнинг жамиятдаги мавқеини ошириш мамлакатимиз тараққиётининг энг устувор вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Ҳозирги пайтда ушбу соҳани ривожлантирмай туриб, миллий иқтисодиётни кўтариш, инсоннинг қулай ва фаол яшашини таъминлаш каби муҳим ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилиб бўлмайди. Шу боис республикамиз ижтимоий соҳасида иқтисодий ислохотларни босқичма-босқич амалга оширишда бу масалага алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Таълим соҳасининг миллий иқтисодиётдаги роли ва аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда мамлакатда бу соҳани жадал ривожлантириш бўйича кўпгина ижобий ишлар йўлга қўйилмоқда. Бу ишлар қуйидаги шарт-шароитларга мувофиқ амалга оширилмоқда:

- мамлакатда қулай сиёсий-иқтисодий шароитнинг мавжудлиги;
- янги турдаги хизматларни тақдим этмоқчи бўлаётган тадбиркорлар гуруҳининг шаклланаётганлиги;
- таълим соҳасини ривожлантиришга қаратилган ҳуқуқий базанинг такомиллаштирилаётганлиги;
- таълим соҳасининг моддий-техника базасини ривожлантириш зарурияти;
- аҳоли таркибида сифатли хизматларга бўлган талабнинг ўсаётганлиги;
- республикада хорижий мамлакатлар билан мустаҳкам алоқанинг шаклланганлиги.

Республикада таълим тизимини ривожлантиришга ва

фуқароларнинг таълим олишга бўлган конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилинишини таъминлаган ҳолда, аҳолини таълим ва тарбиянинг барча шакллари билан баҳраманд бўлишларига катта эътибор берилмоқда.

Ўзбекистоннинг ижтимоий ҳимояланган бозор иқтисодиётига ўтиши, кучли демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш, унинг буюк келажигини рўёбга чиқаришда ижтимоий соҳанинг аҳамияти ниҳоятда каттадир. Айниқса, аҳолининг тафаккури ва маданиятини ривожлантиришда маорифнинг, таълим хизматининг роли беқиёсдир. Чунки иқтисодиёти ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаси аҳолининг юксак турмуш даражасига эришиш ҳам, моддий ва номоддий ишлаб чиқаришнинг юксак ривожланиши ҳам таълим тизимининг кенг миқёсда ўсишига боғлиқлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистонда кадрлар тайёрлаш миллий Дастурининг қабул қилиниши мактабгача тарбия шахобчаларидан бошлаб олий таълимгача бўлган ягона таълим тизимини шакллантириш ва комил инсон тарбиясига қаратилган.

Ўзбекистон республикасида таълим тизимининг эшиклари ҳамма учун очик. Бу конституциянинг 41-моддасида белгиланган. Шу боис ҳам Ўзбекистон республикаси аҳолисининг ёппасига саводхонлиги билан ажралиб туради. Ўзбекистонда таълим хизмати узлуксизлиги билан алоҳида аҳамият касб этади.


1997 йил 29 августда «Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури»нинг қабул қилиниши мактабгача тарбия муассасаларидан бошлаб олий ва ундан кейинги таълимгача бўлган ягона таълим тизимини шакллантириш ва комил инсон тарбиясига қаратилган (1.1.1-расм).

«Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури»да таълим мажмуасининг бирламчи бўғини бўлмиш, мактабгача таълимни ривожлантириш муҳим ўрин тутди.

Мактабгача таълим муассасаларининг маҳаллий ҳокимиятлар қарамоғига ўтказилиши, давлат корхоналарининг

хусусийлаштирилиши ва тўлов шаклга ўтиши ҳамда кейинги йилларда аҳолининг ўсиш динамикаси пасайиб бораётганлиги, мактабгача таълим муассасалари сонининг қисқаришига сабаб бўлди.

Ўзбекистондаги таълим босқичлари²



1.1.1-расм

Мустақиллик йилларида мактабгача тарбия муассасалари харажатлари салмоғининг юқорилиги, мулкчилик кўринишларини ўзгартириш заруриятини келтириб чиқарди. Шу мақсадда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Нодавлат мактабгача таълим муассасалари тармоғини вужудга келтириш ва ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги 1999 йил 24 июн 313-сонли қарорига кўра хусусий мактабгача таълим муассасалари шакллантирилмоқда.

Шунингдек, таълим тизимининг юқори босқичларида нодавлат таълим муассасалари билан бир қаторда давлат муассасаларида тадбиркорлик фаолиятининг йўлга қўйилиши ёки бюджетдан

² Муаллиф томонидан тузилган

ташқари молиялаштириш манбаларининг шаклланиши қониқарли даражада эмас. Натижада, таълим соҳасини молиялаштиришдаги оғир юк давлат бюджетига нисбатан ҳамон сақланиб қолмоқда. Хусусан, таълим соҳасига йўналтирилаётган харажатлар ҳажми мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти таркибида 12 фоиздан ортади. Ҳолбуки, жаҳон тажрибасида бу кўрсаткич 3-5 фоиздан ошмайди.³

Собиқ иттифоқ таркибига кирган республикалар ичида биринчилардан бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгаши 1992 йил 2 июлда “Таълим тўғрисида”ги Қонунини тасдиқлади. Бу дастуриламал ҳужжатда таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойиллари, таълим тизими, унинг бошқарув таркиби, педагог ходимларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, бурч ва масъулияти аниқ белгилаб берилди. Бинобарин, бу муҳим давлат ҳужжатининг қабул қилиниши таълим соҳасида амалга ошириладиган барча ислохотларнинг муқаддимаси ҳамда ҳуқуқий кафолати эди.⁴

1997 йилга келиб бозор ислохотларининг чуқурлашуви, касб-ҳунарли, рақобатбардош кадрларни тайёрлаш зарурияти 1992 йилда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги Қонунни қайтадан янги таҳрирда қабул қилинди. Президентимиз “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури зарурлигини пухта асослаб берди. «Республикамизда тахминан 5 миллион 200 минг мактаб ўқувчисидан 9-синфни битираётганлар 450 минг нафар болани ташкил қилади. Маълумотларга караганда, уларнинг 250 минг нафарга яқини, яъни 55 фоизи 10-синфда ўқишни давом эттирар экан, тахминан 100 минг нафари ҳунар-техника ёки махсус ўқув юртларига кириши мумкин. Қолганлари эса - гап 100 минг нафар болаларимиз ҳақида кетяпти – ҳисоб-китоб бўйича, умуман кўчада қолмоқда»⁵. Шу боисдан ҳам 1997йил 29 августда бевосита Президентимиз ташаббуси билан «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш

³ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. – Т.: “Ўзбекистон”, 2007. – Б. 27.

⁴ Йўлдошев Ж. Таълимимиз истиқлоли йўлида. – Тошкент: Шарқ, 1996. 4-5-бет.

⁵ Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.-Т.: Шарқ, 1998. 3-19-б.

миллий дастурининг қабул қилинганида катта маъно бор. Қабул қилинган дастурга мувофиқ, мамлакатимизда 9+3 схемаси бўйича 12 йиллик умумий мажбурий бепул таълим тизими жорий этилди.⁶

Хулоса қилиб шуни эътироф этиш керакки, мамлакатимизда қабул қилинган барча ижтимоий дастурлар Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлигини таъминлашга қаратилган. Таълим равнақи муносабати билан қабул қилинган Давлат дастури ҳам мазмун-моҳияти ва аҳамиятига кўра, давлатимизнинг юксак мақсадларга эришишининг ишончли кафолати бўлиб, ўз мустақил фикрига эга, мустаҳкам иродали, чуқур билимли, ҳеч кимдан кам бўлмаган баркамол авлодни вояга етказиш йўлида дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

1.2. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида таълим тизимини мустаҳкамлашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий базанинг тадрижи

Мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритганидан кейинги 24 йил ичида халқимиз ўзининг мард ва донишманд раҳбари бошчилигида асрларга татиғулик улкан ишларни амалга оширди. Мамлакатимизда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳаёт ва миллий маънавият соҳаларида туб ислохотлар туфайли юртимизда обод ва эркин фаровон ҳаёт асослари барпо этилди.

Мамлакатимизда таълим тизимини ривожлантиришга қаратилган унинг меъёрий-ҳуқуқий асослари қуйидаги ҳужжатларда белгилаб берилди ҳамда улар базасида энг муҳим йўналиш ва натижалар ижроси таъминланди.

I. Таълим тўғрисидаги қонун (1992 йил 2 июль). Мутақил давлатимиз раҳбарияти, энг аввало, ишни таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг ҳуқуқий асосларини яратишдан бошлади. Собиқ иттифоқ таркибига кирган республикалар ичида биринчилардан бўлиб, Ўзбекистон

⁶ Президент Ислоҳ Каримовнинг «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шarti» мавзусидаги халқаро конференция материаллари. – Т.: O‘zbekiston, 2012. – 5-бет.

Республикасининг Олий Кенгаши 1992 йил 2 июлда «Таълим тўғрисида»ги Қонунини тасдиқлади. Бу дастуриламал ҳужжатда таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойиллари, таълим тизими, унинг бошқарув таркиби, педагог ходимларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, бурч ва масъулияти аниқ белгилаб берилди. Бинобарин, бу муҳим давлат ҳужжатининг қабул қилиниши таълим соҳасида амалга ошириладиган барча ислоҳотларнинг муқаддимаси ҳамда ҳуқуқий кафолати эди⁷.

II. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (1992 йил 8 декабрь). Асосий қонунимиз Ўзбекистон халқининг хоҳиш-иродасидан келиб чиқиб, миллий ва умуминсоний қадриятларни уйғунлаштирган ҳолда, ёшлар онгига сингдиришнинг ҳуқуқий асосларини ўзида ифода этган. Конституция барча фуқаролар қатори ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг кафолатларини ҳам ўзида акс эттиради. Жумладан, унинг 41-моддасида: «Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир». 45-моддасида «Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир». 66-моддасида «Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар», 117-моддасида «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар»⁸, деб белгилаб қўйилгани фикримизнинг далилидир. Ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистон Республикаси мустақил, ҳуқуқий демократик, инсонпарварлик қоидаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодидан қатъи назар, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлатдир.

Шунингдек, Президентимизнинг 1993 йил 29 декабрдаги фармонида биноан, октябрь ойининг биринчи якшанбаси халқ таълими ходимлари куни (касб байрами сифатида) белгиланди. 1996 йил 9 сентябрдаги «Маънавият ва маърифат жамоатчилиқ маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Фармонда

⁷ Йўлдошев Ж. Таълимимиз истиқлоли йўлида. – Тошкент: Шарқ, 1996. 4-5-бет.

⁸ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2010. 9-10,13,31-32-б.

эса ёш авлодни буюк анъаналаримизга, юксак маънавий кадриятларимизга содиқлик ва ёруғ келажак эгалари эканига қатъий ишонч руҳида тарбиялаш мақсадида 1997 йилдан бошлаб, 1 октябрь «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни» – умумхалқ байрами ҳамда дам олиш куни деб эълон қилинди.

III. «Таълим тўғрисида»ги (1997 йил 29 август) қонун (янги таҳрири) ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Президентимиз Ислон Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясидаги (1997 йилда 29 август) «Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» мавзусидаги нутқида 1991-1997 йиллар давомида мамлакатимизда амалга оширилган таълим-тарбия тизимидаги ислохотларни танқидий баҳолади. Собиқ иттифоқ даврининг охирида 11 йиллик ўқув тизимига ўтдик. 11 йиллик тизим таркибан 3 қисмга бўлинади: бошланғич таълим – 4 йил, тўлиқсиз ўрта таълим – 9 йил. Демократик жамиятда болалар, умуман, ҳар бир инсон эркин фикрлайдиган этиб тарбияланади.

Президентимиз 9-синфни тугатаётганларнинг кейингийўли – тақдири қандай бўлиши зарурлигини пухта асослаб берди. «Республикаимизда тахминан 5миллион 200 минг мактаб ўқувчисидан 9-синфни битираётганлар 450минг нафар болани ташкил қилади... Маълумотларга қараганда, уларнинг 250 минг нафарга яқини, яъни 55 фоизи 10-синфда ўқишни давом эттирар экан, тахминан 100 минг нафари ҳунар-техника ёки махсус ўқув юртларига кириши мумкин. Қолганлари эса - гап 100 минг нафар болаларимиз ҳақида кетяпти – ҳисоб-китоб бўйича, умуман кўчада қолмоқда»⁹. Шу боисдан ҳам 1997йил 29августда бевосита Президентимиз ташаббуси билан «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилинганида катта маъно бор.

IV. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 6 октябрдаги «Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислох қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Мавжуд таълим-тарбия тизимини тубдан ислох қилиш, уни замон

⁹ Ислон Каримов. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. -Тошкент: Шарқ, 1998. 3-19-б.

талаблари даражасига кўтариш, миллий кадрлар тайёрлашнинг янги тизимини барпо этиш, келажак учун баркамол, салоҳиятли авлодни тарбиялаш мақсадида ушбу фармон билан «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурни ҳаётга татбиқ этиш ишлари давлат сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгиланди.

Ўзбекистонда таълим республика ижтимоий-иқтисодий, ғоявий-маданий ҳаётининг энг муҳим йўналишидир. Таълимнинг ҳуқуқий асослари мамлакатимиз Конституцияси, «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ўз аксини топган.

Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмлари бўлган шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан, ишлаб чиқаришдан иборат бир бутун тизим юзага келди.

Бундан 19 йил олдин қабул қилинган, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури деб ном олган Таълим соҳасини ислоҳ қилиш дастури мамлакатимизда янги жамият қуришнинг босқичма-босқич ва тадрижий ривожланиш принципига асосланган иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларнинг биз танлаган «ўзбек модели» - ўз тараққиёт йўлимизнинг таркибий қисмидир. Бу дастур ҳаётда ўз фикрига, ўзининг қарашлари ва қатъий фуқаролик позициясига эга бўлган, ҳар томонлама етук ва мустақил фикрлайдиган шахсни шакллантиришни мақсад қилиб қўйди¹⁰.

V. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 февралдаги «Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини бошқариш тўғрисида»ги 77-қарори. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги «Ўзбекистон Республикаси ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 204-қарорига кўра, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 60 кишидан иборат Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази (Марказ) ташкил этилди. 1998 йилда академик лицей ва касб-

¹⁰ Президент Ислоҳ Каримовнинг «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти» мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи // «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти» мавзусидаги халқаро конференция материаллари. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – 4-бет.

хунар коллежлари дастлаб тажриба тариқасида фаолият бошлади. Академик лицейларга барча (9-синф) битирувчиларнинг тахминан 10-15 фоизи танлов асосида қабул қилинди.

Касб-хунар коллежлари учун юқори малакали педагог ва педагог-муҳандислар тайёрлаш бўйича 3 та оталиқ зона (минтақавий) бўйича тегишли олий ўқув юртлари бириктирилди: 1) Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти; 2) Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети; 3) Наманган муҳандислик-педагогик институтларида кадрлар тайёрлаш учун зарур шарт-шароитлар яратилди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг амалий ижросига, шунингдек, бакалавр ва магистр кадрлар тайёрлаш масаласига бағишланган Ўзбекистон Президентининг ўндан ортиқ фармон ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинди. Хусусан, 2004 йил 19 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004-2008 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармойиши, 2004 йил 21 майда «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантиришнинг давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги фармонининг қабул қилиниши миллий таълим ривожига янги тарихий босқични бошлаб берди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурининг ижроси амалда ниҳоясига етказилди. 9 йиллик умумтаълим мактаб босқичини ва 3 йиллик ўрта махсус, касб-хунар таълими босқичини ўз ичига олган узлуксиз яхлит таълим тизими яратилди. Бир сўз билан айтганда, фарзандларимизга умумий таълим билан бирга, замонавий касб-хунарга эга бўлиш имконини берадиган 12 йиллик таълим тизимига ўтиш яқунланмоқда¹¹. Ўзбекистонда 12 йиллик таълим барча учун мажбурий экани қонунларимизда белгилаб қўйилган. 12 йиллик мажбурий таълимдан сўнг ёшларнинг ҳар бири, ўз хоҳишига кўра, бакалавр ва магистр даражасини олиш учун олий ўқув юртларида ўқишни давом эттириши мумкин.

¹¹ Ислом Каримов. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 48-б.

Мазкур ҳуқуқий ҳужжатларда, биринчидан, янги таълим тизими, иккинчидан, янги авлод кадрларини тайёрлашда таълим соҳасидаги ўзгаришлар, янги касб соҳаларининг пайдо бўлгани ва уларнинг Ўзбекистон шароити, аҳамияти билан боғлиқ жиҳатлари, учинчидан, бунда ҳар бир вилоят, ҳудуд ва минтақанинг хусусиятларини ҳисобга олиш тажрибасининг афзалликлари, тўртинчидан, мамлакатимизнинг олий таълим соҳасидаги 71 та муассасаси тайёрлаб берадиган янги авлод кадрлари, уларнинг умумий ва ўзига хос жиҳатларига эътибор қаратилди.

VI. Миллий истиқлол ғояси ва мафкураси. 2001 йил 18 январда Ўзбекистон Президентининг «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар фани бўйича таълим дастурларини яратиш ва республика таълим тизимига жорий этиш тўғрисида»ги фармойиши Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг маъно–мазмунига уйғун тарзда ёш авлодни, комил инсонни шакллантириш, унинг ғоявий ва мафкуравий онгини ривожлантиришга қаратилди. Шунингдек, 2006 йил 25 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди. Баркамол, комил инсонларни вояга етказиш, ёшларнинг онгида мафкуравий бўшлиқ бўлишига йўл қўймаслик, мамлакатимизнинг юксак тараққиётини таъминлаш учун миллий истиқлол мафкурасини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Республика Маънавият ва маърифат кенгаши ҳузурида Республика маънавият тарғибот маркази ҳамда Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказлари ташкил топди (2006 йил).

VII. 2002 йил 24 октябрдаги «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги ва 2004 йил 29 августдаги «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари болалар спортини ривожлантиришда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

VIII. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 мартдаги “Нодавлат таълим муассасалари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 100-сонли Қарори эълон қилинди.

IX. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2004 йил 19 февралдаги 2004-2008 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармойишига биноан тузилган махсус комиссия томонидан 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури ишлаб чиқилди ва 2004 йил 9 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланди.

X. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 июндаги “Республика аҳолисини ахборот-кутубхона хизмати билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида”ги қарори мамлакатимизда электрон кутубхонани шакллантириш, ахборот алмашинувининг замонавий шаклларига босқичма-босқич ўтишда муҳим дастурил амал бўлди.

XI. Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 25 октябрдаги “Мактабгача таълим соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги 225-сонли Қарорининг 2-илоvasи билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида нодавлат таълим муассасалари тўғрисида»ги Низом ишлаб чиқилди.

XII. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 27 июлдаги «Умумтаълим мактаблари битирувчиларининг академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқишини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» қабул қилинган 427-қарори натижасида 2009 йили умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчилари 100 фоиз академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари билан қамраб олинишига эришилди.

XIII. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 февралда «Ёшлар йили» Давлат дастури тўғрисидаги қарори эълон қилинди. Қарорда «Ёшлар йили»да бажарилиши лозим бўлган асосий ва муҳим

вазифалар белгилаб берилди ва уларнинг ижроси 9 та йўналишда амалга оширилди.

XIV. Президентимизнинг 2008 йил 1 апрелдаги “Реал иқтисодиётнинг соҳа ва тармоқлари талабларига жавоб берадиган малакали кадрларни тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармойиши асосида амалга оширилган ишлар натижасида 2009-2010 ўқув йилининг ўзида ҳудудлардаги 118 та касб-ҳунар коллежида 62 та ихтисослик бўйича кичик мутахассислар тайёрлаш тўхтатилиб, талаб катта бўлган 90 та мутахассислик бўйича янгидан кадрлар тайёрлашга киришилди. 34 та касб-ҳунар коллежининг ихтисослиги ўзгартирилди. Ушбу чора-тадбирлар туфайли битирувчиларнинг барчаси иш билан таъминланди.

XV. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Баркамол авлод йили Давлат дастури тўғрисида»ги 2010 йил 27 январдаги қарори қабул қилинди ва уни амалга ошириш учун 11 та устувор йўналиш ва вазифа белгилаб берилди. Ўзбекистонда аҳолининг қарийб 35 фоизини 16 ёшгача бўлган болалар, 62 фоиздан зиёдини эса 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этишини ҳисобга оладиган бўлсак, бу ислохотларнинг роли ва аҳамияти ўз-ўзидан тушунарли ва равшан бўлади.¹²

XVI. 2010 йил 28 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Фармонга кўра, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни янада рағбатлантириш, ёшларни, авваламбор касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва олий таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича амалий вазифалар белгиланди. Шу боисдан ҳам бугунги кунда микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан республиканинг касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлари ва олий таълим муассасалари битирувчилари билан меҳнат шартномалари

¹² Президентимиз Ислон Каримовнинг “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шarti” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутки// Халқ сўзи, 2012 йил 18 февраль.

тузилганда, банд ходимларнинг ўртача йиллик сони қонун ҳужжатларида белгиланган чекланган нормативдан кўпи билан 20 фоиз оширилган ҳолларда микрофирма ва кичик корхоналар учун назарда тутилган имтиёзлар, кафолат ва ҳуқуқлар сақланиб қолмоқда.

XVII. 2010 йил 2 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1426-сонли қарори қабул қилинди. Шу асосда 2011 йил 1 январдан бошлаб стажёр-тадқиқотчи-изланувчиларнинг маошлари стажёр-тадқиқотчиларнинг базавий лавозим маошларига, катта илмий ходим-изланувчиларнинг маошлари эса фан номзоди илмий даражасига эга илмий ходимларнинг базавий лавозим маошларига тенглаштирилди.

XVIII. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича бюджетдан ташқари жамғармани ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори (2010 йил 10 ноябрь, ПҚ-1432-сон)га асосан Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси ташкил этилди.

XIX. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Бюджетдан ташқари таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори (2010 йил 10 декабрь, 291-сон) қабул қилинди.

XX. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майда “Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди¹³ ва у ўз моҳиятига кўра, олий таълим тизимидаги ислохотларнинг янги босқичини бошлаб берди.

¹³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори// Халқ сўзи, 2011 йил 20 май, № 100 (5267).

Бу қарор олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва модернизация қилиш, уларни замонавий ўқув ва илмий-лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш йўналишлари ва мутахассисликларини мақбуллаштириш, таълим стандартларини такомиллаштириш ҳисобидан таълим жараёнини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, илғор педагогик технологиялар ва ўқитиш шакллари жорий этиш, ўқитувчи кадрлар меҳнатини рағбатлантиришни кучайтириш асосида иқтисодиёт соҳа ва тармоқларида талаб қилинадиган олий маълумотга эга мутахассисларни тайёрлаш сифатини тубдан яхшилашга қаратилган.

Дастурда юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш масаласига алоҳида эътибор берилган. Бу йўналишда чора-тадбирлар мажмуи ишлаб чиқилган бўлиб, унда юқори малакали кадрларни тайёрлаш йўналишлари ва мутахассисликларни мақбуллаштириш ҳамда давлат таълим стандартлари (ДТС)ни янада такомиллаштириш назарда тутилган. Шунга кўра, мазмун бўйича турдош мутахассисликларни қўшиб юбориш, шунингдек, иқтисодиёт тармоқлари ҳамда ижтимоий соҳаларда эҳтиёж қолмаган мутахассисликларни ёпиш ҳисобидан 2016 йилга қадар олий таълим бакалаврият босқичи йўналишларининг сони 228 тадан 165 тага, магистратура босқичининг мутахассисликлари эса 1200 тадан 500 тага камайтирилди.

Дастур ижроси доирасида инжиниринг, ишлаб чиқариш ва қурилиш соҳалари бўйича қабул квотаси босқичма-босқич оширилиб, бу йўналишларда таълим олаётган талабаларнинг умумий сони амалдаги 23 фоиздан 2015-2016 ўқув йилида 36 фоизга етказиш кўзда тутилган. Бу йўналишларга ажратилган давлат гранти ўринлари эса ўртача 5-10 фоизга кўпаяди. Шунга тенг равишда “таълим” “иқтисодиёт ва бизнес”, “ҳуқуқ” ҳамда ижтимоий-гуманитар соҳаларга тегишли таълим йўналишларида қабул квотаси ва грант ўринлари, аксинча, камайиши кутилмоқда¹⁴.

¹⁴ Умарова Н. Олий таълимдаги муҳим янгилик (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги илмий-педагогик кадрлар билан ишлаш бўлими бошлиғи Б.Ражабовнинг шарҳидан фойдаланилди) // Туркистон, 2011 йил 8 июнь.

XXI. 2011 йил 13 апрелда қабул қилинган “Ахборот кутубхона фаолияти тўғрисида”ги қонун зиё масканлари ишини ислоҳ этиш, уларни давр талаба асосида йўлга қўйишда муҳим омил бўлмоқда. Ахборот-кутубхона тизими фаолиятини такомиллаштиришга йўналтирилган ислоҳотлар юртдошларимиз учун кўплаб қулайликлар яратиб берди.

XXII. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш тўғрисида”ги Қарори (2011 йил 21 ноябрь, ПҚ-1645-сон) қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Халқ таълими ҳудудий органлари тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида”ги 52-сонли қарорининг қабул қилиниши ҳамда унга кўра, туман халқ таълими бўлимларининг шаклан ва мазмунан ўзгаргани узлуксиз методик хизматни самарали ташкил этишга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Юқсак тараққиётни таъминлашда «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг баркамол авлод тарбиясидаги ўрни ва аҳамиятини қуйидаги ҳолатлар билан изоҳлаш мумкин:

1. Миллий дастурнинг амалга оширилиши жамиятдаги ижтимоий-сиёсий муҳитга ижобий таъсир кўрсата бошлади.

2. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини рўёбга чиқариш жараёнида шахснинг жамиятдаги ўз ўрнини белгилаб олиши фаоллашмоқда.

3. Таълимнинг миллий моделини амалга ошириш жамиятда эркин фикрлайдиган шахснинг шаклланишига олиб келмоқда.

4. Кадрлар тайёрлашнинг миллий модели жамиятнинг потенциал имкониятларини рўёбга чиқариш омили сифатида катта аҳамият касб этмоқда.

5. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва унинг моделини амалга ошириш миллий ва умуминсоний кадриятлар асосида таълим-тарбия жараёнини замонавий босқичга кўтаришга қаратилган бўлиб, бу эса ўз навбатида фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришга салмоқли ҳисса қўшмоқда.

6. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалиётга татбиқ этиш Ўзбекистоннинг халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллашида муҳим аҳамият касб этмоқда.

7. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойилларига ҳамоҳанг бўлиб, уларнинг ҳар иккаласи баркамол авлодни шакллантиришга қаратилгандир.

8. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг амалга оширилиши Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгилаб берилган устувор вазифалар ижросини тўла таъминлашга хизмат қилади.

9. Мамлакатимизда таълим олувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг ва таълим ишларининг самарали шакллари ҳамда услублари ишлаб чиқилиб, жорий этилмоқда.

10. Таълим ва кадрлар тайёрлаш борасида таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш, аккредитация қилишнинг самарали тизими юзага келди.

11. Янги ижтимоий-иқтисодий шароитда таълимнинг талаб даражасидаги сифатини, кадрлар тайёрлаш тизимининг амалий самараси ва барқарор ривожланишининг кафолатлари, устувор йўналишларини таъминлайдиган норматив, моддий-техник ва ахборот базаси яратилди.

12. Узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимига бюджетдан ташқари маблағлар, шу жумладан, чет эл инвестициялари жалб этилмоқда.

13. Кадрлар тайёрлаш соҳасида хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ривожланмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ташаббуси билан Тошкентда 2012 йил 16-17 февраль кунлари ўтказилган “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти” мавзусидаги халқаро конференцияда Юртбошимизнинг Ўзбекистонда Таълим соҳасини ислоҳ қилиш, юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш бўйича амалга оширилаётган дастурнинг

асосий мақсад ва вазифалари, мазмун-моҳияти қисқача баён этилган нутқи халқаро конференция ишида муҳим аҳамият касб этди.

1.3. Таълим мазмуни ва сифатидаги таркибий ўзгаришлар ва йўналишлар

Ўзбекистонда таълимнинг мазмунини белгиловчи давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларини такомиллаштириш, таълим-тарбия самарадорлигини ошириш мақсадида умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларининг такомиллашган вариантлари ишлаб чиқилиб, 2004-2011 йилларда босқичма-босқич тажриба-синовдан ўтказилди.

Умумтаълим фанлари бўйича мавжуд ДТСлари янгидан таҳрир этилиб, ўқув дастурлари модернизация қилинди. Қирғиз, қозоқ, тожик, туркман, қорақалпоқ тили ва адабиётлари, 8-синфларда рус адабиёти, 4 - ва 8-синфларда меҳнат таълимининг 5 та йўналиши, 5-7- синфларда информатика фанларидан ДТС янгидан яратилди. Бошланғич синфларда билим, кўникма ва малака меъёрлари ишлаб чиқилди.

Барча умумтаълим фанларидан ДТСлари янги таҳрирдан ўтказилганда қуйидаги ўзгаришлар киритилди:

1. Давлат таълим стандартлари бўйича ўқувчилар ўзлаштириши зарур бўлган билим, кўникма ва малакалар ҳар бир синф учун алоҳида белгилаб берилди.

2. ДТС бўйича билим, кўникма ва малакалар бир-биридан ажратилди.

Янги таҳрирдаги ДТС ва модернизация қилинган ўқув дастурларини босқичма-босқич тажриба-синовдан ўтказиш белгиланди.

Айтиш жоизки, таълим сифати ва самарадорлиги педагогнинг касбий салоҳияти, педагогик маҳоратига бевосита боғлиқ бўлгани сабабли «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида таълим тизимини малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, ўқитувчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини

оширишнинг янги тизимини яратиш, уларнинг меҳнатини рағбатлантиришни кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор берилган.

Ўқитувчилар малакасини ошириш йўналишидаги ишларни янада ривожлантириш мақсадида Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликдаги «Таълим секторини ривожлантириш дастури» лойиҳаси доирасида Абдулла Авлоний номидаги республика малака ошириш институти, 14 та ҳудудий малака ошириш институти ва 70 та (ҳар бир вилоятда 5 тадан) таянч мактаб қошида масофадан ўқитишнинг таълим-ресурс марказлари ташкил қилинди. 215 нафар тизимдаги мутахассис Германияда малака оширди.

Бугунги кунда, таълим муассасасининг буюртмасига асосан, педагогнинг тоифаси, стажи, касбий тайёргарлигини оширишга бўлган эҳтиёжга мос ҳолда, унинг турлари ва даврийлиги қайта кўриб чиқилиб, малака оширишнинг «режали-мажбурий» тизимидан «йўналтирилган мақсадли» такомиллаштирилган тизимига ўтилди. Таълим мазмунининг тез суръатларда янгиланиб бораётгани муносабати билан педагогларнинг малака ошириш даврийлиги 5 йилдан 3 йилга туширилди.

Президентимиз бугунги кунда ёшларни, умуман, илм-фан соҳаси ходимларини, олимларни тараққий топган давлатлар илмий жамоатчилигининг эътибор марказида турган, энг илғор, истиқболли илмий изланиш ва тадқиқот ишларини юртимизда ривожлантиришга ундаб, ушбу мақсадда Фанлар академияси ва олий ўқув юртлари таркибида янги лабораториялар ташкил қилиш, уларнинг ривожланган мамлакатлардаги илм-фан марказлари билан самарали ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиши зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Бу йўналишдаги ишларга янги туртки бериш, хорижий давлатлардан замонавий илмий жиҳоз ва ускуналарни олиб келиш, энг иқтидорли ёшларни бу ишга сафарбар қилиш ва рағбатлантириш мақсадида Президент томонидан Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитаси қошида алоҳида фонд тузиш ва уни етарли даражада маблағ билан таъминлаш таклиф этилди.

Ёшларни жисмонан чиниққан, мард, билимли, қатъиятли, она Ватанини ҳимоя қила оладиган авлод сифатида камол топтириш учун уларнинг жисмонан ривожланишга хизмат қиладиган масканларни барпо этиш ва ривожлантириш талаб этилади. Бугунги кунда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида, айниқса, болалар спортини янада ривожлантириш, ҳар бир шаҳар ва қишлоқда замонавий талабларга жавоб берадиган, зарур анжомлар билан жиҳозланган спорт майдончалари, иншоот ва мажмуаларни барпо этиш борасида катта ишлар қилинаётгани ёшларимиз олдида кенг имкониятлар очилишига асос бўлди. Айтиш жоизки, истиқлол йилларида бу соҳага алоҳида эътибор берилиб, унинг моддий-техник базаси мустаҳкамланди, юртимизда 1 минг 200 дан зиёд янги спорт иншооти барпо этилди ва 260 минг нафардан зиёд бола спортнинг кўплаб турлари билан мунтазам шуғулланиши учун имконият яратилди.

Жаҳон эътирофига сазовор бўлган уч босқичли - «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» республика спорт мусобақалари орқали болалар ва ўсмирлар ўртасида спортнинг оммавийлиги таъминланди.

Ўсиб келаётган авлоднинг таълим соҳасида ташкил этилган замонавий моддий-техник базадан самарали фойдаланишини таъминлаш, олий ва ўрта махсус таълим тизимидаги йўналиш ва мутахассисликлар бўйича давлат таълим стандартлари, ўқувдастурлари, ўқув-методик адабиётларни қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш борасида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан ўтказиб келинаётган уч босқичли спорт ўйинлари – “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва Универсиада Ўзбекистон байроғини баланд кўтарадиган. Юрт шаъни, халқ ғурури учун курашадиган маҳоратли спортчиларни тарбиялашда ўзига хос мактаб вазифасини ўтамоқда.

2015 йилда Давлат бюджети барча харажатларининг 60 фоизи ижтимоий мақсадлар учун йўналтирилди. Бу 2010 йилга қараганда сезиларли даражада кўпдир. Жумладан, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаси

учун ана шу харажатларнинг 48 фоизи ёки 2010 йилга нисбатан 1 триллион 800 миллиард сўм кўп маблағ сарфланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Асосий вазифамиз – Ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” номли маърузалари ҳамда “Баркамол авлод йили” Давлат дастури ҳамда “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарларида ва 2015 йилдаги “Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш-энг олий саодатдир” номли асарларида келтирилган материаллар, қоидалар ва хулосаларни пухта ўзлаштирадиган бўлсак, иқтисодий ривожланиш таълим олдида турган асосий вазифалардан бири эканлигига амин бўламиз.

“Шулар қаторида давлат таълим стандартларини, ўқув дастурлари ва ўқув адабиётларини такомиллаштириш, олий ва ўрта махсус таълим тизимида таълим йўналишлари ва мутахассисликларини бугунги кун талаблари нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш зарур”, деб таъкидлаган Президентимиз И.А.Каримов.¹⁵

Хуллас, ўтган давр мобайнида таълим тизими ислохотларга бой ва таркибий жиҳатдан қайта қуришга замон билан ҳамнафас ривожланишида янги босқичга кўтарилди десак муболаға бўлмайди.

¹⁵ Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010 – 63 бет.

I I-БОБ. Таълим тизимини ислох қилишнинг асосий

йўналишлари ва истиқболлари

2.1. Таълимда педагог кадрлар салоҳияти ва малакасини ошириш соҳасидаги ишлар

Мустақиллик йилларида «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури (1997) асосида узлуксиз таълим тизимининг энг муҳим қуйидаги йўналишлари ҳаётга татбиқ этилди:

1. Мактабгача таълим.
2. Умумий ўрта таълим.
3. Ўрта махсус, касб-хунар таълими.
4. Олий таълим.
5. Олий ўқув юртидан кейинги таълим.
6. Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш.
7. Мактабдан ташқари таълим.

Тизимда меҳнат қилаётган педагоглар сони ва уларнинг маълумоти бўйича ушбу рақамларга эътибор беринг.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури интеллектуал жиҳатдан юксак салоҳиятли авлодни камол топтиришга хизмат қилмоқда.

1. Мактабгача таълим йўналиши. Бу йўналиш халқ таълими тизимининг дастлабки бўғини ҳисобланади. Унда 2 ойликдан 7 ёшгача бўлган болалар тарбияланишига эътибор берилади. Мактабгача таълим муассасаларининг оммавий туридан ташқари соғломлаштириш, жисмоний ва рухий ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун мўлжалланган махсус турлари ҳам барпо этилди.

Мактабгача ёшдаги болаларни ижтимоий ҳимоялаш, уларга таълим-тарбия бериш билан соғлиқларини тиклаш учун 194 та махсус турдаги мактабгача таълим муассасаси фаолият кўрсатмоқда.

2. Умумий ўрта таълим. «Таълим тўғрисида»ги (1997) Қонуннинг 12-моддасига мувофиқ умумий ўрта таълим икки босқичдан иборат:

- бошланғич таълим (I-IV синфлар)

- умумий ўрта таълим (I-IX синфлар)

Биргина халқ таълими тизимидаги таълим муассасалари 15774 тани ташкил этади (2.1.1-расм).



2.1.1-расм.

1. Ўрта махсус, касб-хунар таълими.

2. Академик лицей.

2. Касб-хунар коллежлари.

5. Олий таълим. Ўрта махсус, касб-хунар таълими негизига асосланади.

2015 йилга келиб, юртимиздаги олий таълим муассасалари (ОТМ филиаллари) сони – 76 та. Шундан: университетлар – 19 та, институтлар – 36 та, академиялар – 2 та, консерватория – 1 та, рақс ва хореография олий мактаби – 1 та, ОТМлари филиаллари – 11 та, хорижий давлатлар олий таълим муассасаларининг филиаллари – 6 та.

Олий таълимнинг 254 та бакалавриат йўналиши ва 719 та магистратура мутахассисликлари бўйича Давлат таълим стандартлари

ишлаб чиқилди, улар асосида намунавий ўқув режалари ва фан дастурлари яратилиб, ўқув жараёнига татбиқ этилди.

2.1.1-жадвал

1991 йилда	2015 йилга келиб
<p>ОТМ филиаллари сони - 53 та</p> <p>Шундан:</p> <p>университетлар - 16 та;</p> <p>институтлар - 42 та;</p> <p>филиаллар - 5 та.</p>	<p>ОТМ филиаллари сони - 76 та</p> <p>Шундан:</p> <p>университетлар – 19 та;</p> <p>институтлар - 36 та;</p> <p>академиялар – 2 та;</p> <p>консерватория – 1 та;</p> <p>ракс ва хореография олий мактаби - 1 та;</p> <p>ОТМлари филиаллари - 11 та;</p> <p>Хорижий давлатлар олий таълим муассасаларининг филиаллари – 6 та.</p>

Мустақиллик йилларида янги давлат барпо этишда миллий ва умумбашарий кадриятлар руҳида тарбияланган, мамлакатни модернизация қилиш ва замонавий демократик жамият қуриш йўлидаги мураккаб, кенг кўламли вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган янги авлод кадрларини тайёрлаш масаласи муҳим принципиал ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Мустақил ва янгича фикрлайдиган кадрларга бўлган эҳтиёжни қондириш вазифаси мустақилликка эришган биринчи кунларданок ўта муҳим ва ҳал қилувчи масалаларга айланган эди. 1997 йили ноёб Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилиниши ва унинг амалга оширилиши муҳим тарихий аҳамиятга эга бўлди. 2009 йилдан бошлаб юртимизда 12 йиллик мажбурий таълим жорий этилди.

Мамлакатимиз олий ўқув юртлари ҳузурида ташкил этилган академик лицейлар ёшларга ўзи танлаган мутахассислик бўйича олий маълумот

олиш учун янада чуқур билим олиш, коллежлар эса махсус фанларни ўзлаштириш билан бир қаторда, мустақил ҳаётга қадам қўяётган ҳар бир битирувчи йигит-қизга ўз қобилиятини юзага чиқариш ва жамиятда муносиб ўрин топиш учун 2-3 мутахассислик бўйича ўрта малакали касб эгаллаш имконини бермоқда. Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш борасида халқаро ҳамкорликни йўлга қўйишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мисол учун, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг 1200 нафарга яқин педагог кадрлари 1999-2007 йиллар давомида Буюк Британия, Германия, Япония, Дания, Австралия, Жанубий Корея каби мамлакатларда бевосита малака ошириб қайтдилар. Япониянинг ЛСА агентлиги лойиҳаси асосида 9 та касб-ҳунар коллежида малака ошириш марказлари ташкил этилган. Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш муассасаларининг моддий-техник базасини янада яхшилаш, тингловчилар учун ҳар томонлама қулай шароитлар яратиш ишлари ҳам изчил давом эттирилмоқда.¹⁶

Бугунги кунда таълим муассасасининг буюртмасига асосан педагогнинг тоифаси, стажи, касбий тайёргарлигини оширишга бўлган эҳтиёжга мос ҳолда, унинг турлари ва даврийлиги қайта кўриб чиқилиб, малака оширишнинг «режали-мажбурий» тизимидан «йўналтирилган мақсадли» такомиллаштирилган тизимига ўтилди. Таълим мазмунининг тез суръатларда янгиланиб бораётгани муносабати билан педагогларнинг малака ошириш даврийлиги 5 йилдан 3 йилга туширилди.

Ўзбекистон Республика Президентининг «Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарори (2011 йил 20 май) бу борада дастуриламал бўлди. Мамлакатимиздаги ёш, истиқболли мутахассислар дунёдаги етакчи илмий ва таълим марказларида бевосита малака оширмоқда.

¹⁶ Матқурбонов Қ. Муаммолар қандай бартараф этилади. “Маърифат”, 2014 йил 20 декабрь.

Ислоҳотлар жараёнида педагог кадрлар малакасини ошириш тизимига бир қанча янгиликлар жорий қилиниши ҳам кутилмоқда. Жумладан, мамлакатимизда биринчи марта олий таълим муассасаларидаги ёрдамчи ўқув ходимларининг малакасини ошириш тажрибаси йўлга қўйилади. Дастур доирасида олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга қаратилган ишлар қаторида уларни янги ўқув-лаборатория ускуналари билан жиҳозлаш ҳамда замонавий ўқув лабораторияларини ташкил этиш кўзда тутилган. Демак, ёрдамчи ўқув ходимларининг малакаси ҳам шунга яраша бўлиши керак. Педагог кадрларнинг малакасини оширишда уларнинг: 1) компьютер технологиялари; 2) инглиз тилини чуқур ўрганишига алоҳида урғу берилади. Янги турдаги малака ошириш муассасалари ишини ташкил этиш бўйича таклифлар шакллантирилмоқда.

Дастурга мувофиқ, 2011-2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар мажмуи ҳам тасдиқланди. Олий таълим муассасаларида ўқув-лаборатория бинолари, спорт иншоотлари ва талабаларнинг тураржойларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш шулар жумласидандир.

2.2. Таълим тизимининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш – замон талаби эканлиги

Ўтган йиллар мобайнида таълим тизимини тубдан янгилаш ва ислоҳ этиш бўйича миқёси ва кўламига кўра улкан ишлар амалга оширилди. Қарийб 9,5 минг ёки мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган мактабларнинг деярли барчаси янгитдан қурилди, капитал реконструкция қилинди ва замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари билан таъминланди. Ўқув жараёнини сифат ва методик жиҳатдан бутунлай янгилаш бўйича улкан чора-тадбирлар амалга оширилди.

ДТСларини янада такомиллаштириш, олий таълим муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар

тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича ҳам юқорида зикр этилган дастурда аниқ чора-тадбирлар белгиланган.

Барча олий таълим муассасалари битирувчиларига катъий талаб қўйилмоқдаки: 1) улар замонавий компьютер ва ахборот технологияларини; 2) хорижий тиллар, айниқса, инглиз тилини мукамал билиши керак. Бу жиҳатдан ўқув дастурларини ҳар бир таълим йўналишининг ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш кўзда тутилган.

Талабаларнинг халқаро таълим ресурсларидан фойдаланишда қулайлик яратиш мақсадида яқин йиллар ичида олий таълим муассасалари учун битирувчи замонавий оптик толали ягона компьютер тармоғи ишга туширилади. Юқори тезликдаги Интернетга уланувчи ушбу тармоқ ёрдамида мамлакатимиз ҳамда хориждаги таълим муассасалари билан алоқа боғлаш, видео-конференциялар ўтказиш мумкин бўлади.

Устоз ва мураббийлар меҳнатини муносиб рағбатлантиришга йўналтирилаётган Директор жамғармаси учун ажратилаётган маблағлар ҳам йилдан-йилга муттасил ошиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуннинг 26, 27, 28, 30-моддалари талабларига асосан, умумий ўрта таълим мактаблари ҳудудида яшовчи мактаб ёшидаги болаларни таълим муассасаларига тўлиқ жалб этиш бўйича мамлакатимизда амалга оширилаётган ишларга маҳаллий ҳокимликлар, маҳалла кенгашлари ҳамда ота-оналар ҳамкорлиги зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 10 ноябрдаги, ПҚ-1432-сонли “Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича бюджетдан ташқари жамғармани ташкил этиш тўғрисида”ги Қарорига ҳамда 2011 йил 21 ноябрь, ПҚ-1645-сонли “Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш тўғрисида”ги Қарорига кўра, таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва

жиҳозлашда таълим ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислоҳотларнинг янги босқичини бошлаб берди.

Мазкур қарорлар таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва модернизация қилиш, уларни замонавий ўқув ва илмий-лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш йўналишлари ва мутахассисликларини мақбуллаштириш, таълим стандартларини такомиллаштириш ҳисобидан таълим жараёнини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, илғор педагогик технологиялар ва ўқитиш шакллари жорий этиш, ўқитувчи кадрлар меҳнатини рағбатлантиришни кучайтириш асосида иқтисодиёт соҳа ва тармоқларида талаб қилинадиган олий маълумотга эга мутахассисларни тайёрлаш сифатини тубдан яхшилашга қаратилган.

2014 йилда ҳаммаси бўлиб 540 дан зиёд объект, шу жумладан, 380 та мактаб, 160 дан ортиқ кас-ҳунар коллежи ва академик лицей тубдан янгиланди. Мазкур мақсадлар учун қарийб 550 миллиард сўм сарфланди. Ушбу маблағларнинг 120 миллиард сўмдан ортиғи таълим муассасаларини ўқув, лаборатория ва ишлаб чиқариш ускуналари, компьютар ва мультимедиа воситалари билан таъминлаш учун ажратилди.

2011-2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини модернизация қилиш дастури доирасида 19 та олий таълим муассасида қурилиш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича қиймати 230 миллиард сўмлик ишлар бажарилди. Андижон давлат университети, Бухоро муҳандислик-технология институти, Ўзбекистон Миллий университетида янги ўқув бинолар барпо этилди.¹⁷

- Мактаб таълими 7 та тилда: ўзбек, қорақалпоқ, рус, қозок, қирғиз, туркман ва тожик тилларида олиб борилмоқда.

- Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастури доирасида таълим муассасаларидаги жиҳозланган физика лаборатория

¹⁷ Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш-энг олий саодатдир. Т.: “Ўзбекистон”, 2015 б-236.

хоналари сони 6962 тага, кимё лаборатория хоналари 6682 тага, биология хоналари 6682 тага ошди.

- Мамлакатимизда 1500 дан ортиқ янги касб-ҳунар коллежи ва академик лицей барпо этилди.

- 2004-2014 йилларда 1607 та мактаб ичимлик суви билан таъминланди. 1163 та мактаб газлаштирилди, 1607 та мактаб телефон алоқасига, 1076 та мактаб эса марказий ва мактаб ҳовлисига мослаштирилган канализация тармоғига уланди.

- 1991-2013 йилларда юртимизнинг барча ҳудудларида 1 миллион 893 минг ўқувчига мўлжалланган умумтаълим мактаблари ҳамда 152,8 минг ўринга мўлжалланган мактабгача таълим муассасаларини қуриш ва мавжудларини таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

- Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури доирасида эса 2004-2009 йилларда республика бўйича 3 миллион ўқувчи ўринли 8501 та мактабда қурилиш-реконструкция ишлари бажарилди. Жумладан, 351 116580 ўқувчи ўринли) янги мактаб биноси қурилди, 2470 та (851294 ўқувчи ўринли) мактаб капитал реконструкция қилинди, 3608 та (2044942 ўқувчи ўринли) мактаб капитал, 2072 таси эса жорий таъмирлашдан чиқарилди. Ушбу мақсадларга жами 1,4 триллион сўм сарфланди.

- Таълим соҳаси ходимлари фаолиятини баҳолаш ва рағбатлантириш мезонлари тубдан ўзгартирилди. Масалан, кейинги 10 йилда касб-ҳунар коллежлари, лицей ва олий ўқув юртларида иш ҳақининг ўсиш суръатлари иқтисодиётнинг реал соҳасидаги иш ҳақи миқдоридан тахминан 1,5 баробар кўп ўсди. Ўзбекистон таълим соҳасини ривожлантириш ва ислоҳ этишга йўналтирилаётган йиллик харажатлар ялпи ички маҳсулотнинг 10-12 фоизини ташкил этиб, бу тизимнинг давлат бюджети харажатларидаги улуши 39 фоиздан ортиқни ташкил этмоқда.

- Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари билан корхона ва ташкилотлар ҳамкорлиги, ишга қабул қилиш шартномаларини тузиш

механизми шакллантирилиб, улар би-лан 13338 та шерикчилик шартномаси имзоланди.

- Микрокредитбанк томонидан битирувчиларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун кредит ажратиш бўйича ишлар ташкил этилди. Биргина 2014 йилда 923 нафар битирувчига 962 миллион сўм миқдорда микрокредит маблағлари ажратилди.

2010 йил 28 сентябрда Президент фармойиши билан ташкил этилган, ишчи гуруҳи томонидан ишлаб чиқилган, 2011-2015 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизация қилиш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилашга қаратилган Дастур маъқулланди.


Президентимизнинг 2011 йил 20 майдаги «Олий таълим муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори Олий таълим муассасаларини модернизация қилиш, уларни замонавий ўқув ва илмий-тадқиқот ва лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш, таълим жараёнларини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, илғор педагогик технологиялар ҳамда ўқитиш шакллари жорий этиш, ўқитувчи кадрлар меҳнатини рағбатлантиришни кучайтириш асосида иқтисодийёт соҳа ва тармоқларида талаб қилинадиган олий маълумотга эга мутахассисларни тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш мақсадларини қамраб олган.

Аввало, ушбу дастур 1) 2011-2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга қаратилган; 2) юқори малакали кадрлар тайёрлаш йўналишлари ва мутахассисликларини мақбуллаштириш, давлат таълим стандартларини янада такомиллаштиришга йўналтирилган; 3) 2011-2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизация қилиш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича дастурни амалга ошириш учун молиявий харажатларни акс эттиради; 4) ўқув-лаборатория бинолари, спорт иншоотлари ва

талабаларнинг турар-жойларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича манзилли дастурларга киритиладиган олий таълим муассасаларининг рўйхатини ўз ичига олган; 5) олий таълим муассасаларида ташкил этиладиган замонавий илмий-тадқиқот лабораторияларининг илова қилинган рўйхатига эга; 6) Дастурни ўз вақтида ва сифатли амалга оширишини таъминлаш бўйича ишларни мувофиқлаштириш учун Махсус комиссия таркиби ташкил этилиши таъкидланган; 7) 2011-2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизация қилиш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича дастурнинг амалга оширилиши устидан тизимли мониторинг ўрнатишни назарда тутди.

Таълим тизимининг моддий техника базасининг мустаҳкамланиши кўп жиҳатдан таълим воситаларига ва о-хир оқибат таълим таълим самарадорлигининг ошишига ижобий таъсир кўрсатади. Таълим воситаларининг таснифи 2.1.1-расмда келтирилган.

Таълим воситаларининг таснифи



2.1.2-расм

Таълим воситаларини танлашни аниқловчи омиллар:

- мақсадни белгилаш;
- ўқув ахборот мазмуни;
- таълим воситалари;
- етакчи билим манбаи;
- ўқув материалнинг янгилиги ва мураккаблиги.

Таълим муассасалари моддий – техника таъминотининг мустахкамлаш таълим ислохотларининг мазмунини ташкил қилади ва шу орқали келгусида юқори натижаларга эришиш мумкин бўлади.

2.3. Битирувчилар самарали бандлигини таъминлаш таълим ислохотларининг асосий йўналиши сифатида

Бугунги кунда меҳнатга лаёқатли бўлган иқтисодий фаол аҳоли таркибида меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлашишга қодир бўлмаган шахслар ичида олий ва ўрта махсус таълими битирувчи ёшлари юқори улушга эга бўлмоқда. Шу мақсадда мамлакатимизда олий ва касб-ҳунар таълимида олиб борилаётган ислохотлар мазмунида битирувчилар оқилона бандлиги таъминлаш устувор йўналишлардан бирини ташкил қилмоқда.

Президентимиз И.А.Каримов мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида ушбу масалага эътибор қаратиб, “Аҳоли бандлигини таъминлаш, аввало, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртлари битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича зарур шароитлар яратиш ижтимоий сиёсатимизнинг

энг муҳим устувор йўналиши бўлиб қолади”, деб таъкидлаганлари ҳам бежиз эмас.¹⁸

Иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги босқичида Президентимиз И.А.Каримов томонидан иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида битирувчилар бандлигини таъминлашнинг стратегик вазифалари белгилаб берилдики, бу эса мазкур соҳада мақсадли чора-тадбирларни амалга ошириш ва изланишларни давом эттиришни тақозо қилмоқда.

Кейинги йилларда олий ўқув юртлари ҳамда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг иш билан бандлигини такомиллаштириш мақсадида қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Унга кўра биринчи марта ишга кираётган касб-ҳунар ёки олий таълим муассасаларини битирган шахслар ишга қабул қилинганда дастлабки синов белгиланмаслигининг ўзи битирувчиларга қаратилаётган эътиборнинг дастлабки босқичи бўлди. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 августдаги 186-сонли Қарори билан тасдиқланган “Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ, фуқароларнинг ушбу тоифасига таълим муассасаларини тугатган ёшлар ҳам киритилди ва иш ўринларини банд қилиб қўйиш ходимларнинг рўйхат бўйича ўртача сони 20 нафардан кўпни ташкил этадиган ташкилотлар учун белгиланди.

Президентимизнинг 2008 йил 1 апрелдаги “Реал иқтисодиётнинг соҳа ва тармоқлари талабларига жавоб берадиган малакали кадрларни тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармойиши асосида айрим касб-ҳунар коллежлари номлари ва ихтисослиги ўзгартирилди, баъзи ихтисослик бўйича кичик мутахассислар тайёрлаш тўхтатилди, талаб катта бўлган мутахассислик бўйича янгидан кадрлар тайёрлашга киришилди.

¹⁸ Каримов И.А. “2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш-устувор вазифамиздир ” Вазирлар Маҳкамасидаги маърузаси. // Adolat газетаси 2015 йил. 17 январь №3.

Ушбу чора-тадбирлар битирувчиларнинг бандлик имкониятини кенгайтди.

Аҳолининг иш билан бандлигини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш ҳамда бандлик масалаларини такомиллаштириш мақсадида 2009 йил 30 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1251-сонли Қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга мувофиқ, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органларининг бугунги иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар шароитидаги янги вазифалари белгилаб берилди. Шу билан бирга, мазкур тизимга тегишли таркибий ўзгартиришлар ҳам киритилди. Унга кўра энди туман ва шаҳар меҳнат, бандлик аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимларини бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларига айлантириш ҳамда йирик маҳалла фуқаролар йиғинлари қошида аҳолини ишга жойлаштириш бўйича чора-тадбирлар белгиланиб, мазкур марказларнинг вазифалар кўлами янада кенгайтирилди.

Битирувчилар бандлигини оширишдаги эзгу амалларнинг мантиқий давоми сифатида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 28 июлдаги “Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4232-сонли фармони, ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлаш муаммоларини ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этди. Унга кўра битирувчиларни тадбиркорлик фаолиятига йўналтириш, уларнинг бизнес лойҳаларига имтиёзли микрокредитлар бериш ва тадбиркорлик ғояларини рағбатлантириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикасида 1997 йил 29 августда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури рақобатбардош ва юқори малакали кадрлар тайёрлашни кўзда тутди. Ҳозирги босқичда узлуксиз таълим доирасида етишиб чиқаётган

маълумотли ва малакали кадрларни мутахассислиги бўйича фаол меҳнат фаолиятига жалб этиш катта масъулят юклайди.

Президентимиз И.А.Каримов республикамизда битирувчиларнинг иш билан бандлиги вазифаларини бажаришнинг аҳамияти тўғрисида тўхталар экан, шундай деган эди: “Жорий йилда меҳнат соҳасига қарийб 500 минг нафар ёш йигит-қизлар – 2-3 тадан мутахассисликни ва иш кўникмаларини эгаллаган, олган билимларини иқтисодиётимизнинг турли соҳаларида, хизматлар ва бошқарув жабҳасида қўллашга тайёр бўлган касб-хунар коллежларининг битирувчилари кириб келади.

Бу ўринда навқирон авлодимизни фаол меҳнат фаолиятига тўлақонли жалб этиш бўйича вилоят, шаҳар, туман ҳокимликлари, корхона ва коллежлар раҳбарларининг ўз зиммасига юкланган вазифаларни бажариш бўйича масъулияти ҳақида гапиришнинг ҳожати бўлмаса керак”.¹⁹

Мамлакатимизда бозор муносабатларининг ривожланиши, фан сиғими юқори бўлган соҳаларнинг пайдо бўлиши ва жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув натижасида мутахассислар тайёрлашда миқдор кўрсаткичларга эмас сифат кўрсаткичларга эътибор қаратилди.

Олий ўқув юртларида битирувчилар сони 2010-2011 ўқув йилидаги 76,4 минг киши ўрнига 2014-2015 ўқув йилида 67,6 минг кишига камайган. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини битирган ўқувчилар сони мазкур даврда таълим муассасалари сони кўпайишига монанд 445,6 минг кишидан 534,5 минг кишига етган (2.3.1-жадвал). Жадвал маълумотларидан кўринадики, битирувчилар сони меҳнат ресурслари таркибида катта улушни ташкил қилиб, уларни иш билан таъминлаш ва меҳнат бозорида олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассисларга бўлган талаб ва таклиф ўртасидаги бозор мувозанатини таъминлаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бирига айланмоқда.

¹⁹ Каримов И.А.”2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафабар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади” Вазирлар Маҳкамасидаги маърузаси. // “Халқ сўзи” 2014 йил. 18 январь №13.

Олий ва ўрта махсус таълим битирувчи ёшлари меҳнат бозорида катта оқиб бўлиб, меҳнат бозоридаги талаб ва таклиф мувозанатида жиддий эътиборни тақоза этади. Уларнинг асосий хусусиятлари шундан иборатки:

- меҳнат сафига янгидан келиб қўшилаётганлиги, тажриба ва кўникмаларнинг етишмаслиги, кўмакка мухтожлиги;
- эгаллаган маълумоти бўйича иш қидираётганлиги;
- уй-жойга эга эмаслиги. Кўп ҳолларда ота-онасига яқин жойларда иш топа олмаслиги;
- етарлича ахборотлар билан таъминланмаганлиги ва ҳақозолардан иборат бўлади.

2.3.1-жадвал

Ўзбекистонда таълим муассасаларининг асосий кўрсаткичлари²⁰

Кўрсаткичлар	Йиллар				
	2010-2011	2011-2012	2012-2013	2013-2014	2014-2015
Мактабгача таълим муассасалари сони-жами	6318	6239	5375	5160	5150
Мактабгача таълим муассасаларида болалар сони (минг киши)	522,9	533,7	549,8	575,8	620,8
Умум таълим муассасалари сони	9806	9780	9779	9758	9733
Ўқувчилар сони (минг киши)	4909,1	4695,3	4579,4	4489,7	4539,7
Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари сони, бирлик	1539	1540	1551	1556	1557
Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини битирган ўқувчилар сони (минг киши)	445,6	474,5	555,1	539,8	534,5
10 000 аҳолига нисбатан	156	162	186	179	
Олий таълим муассасалари сони, бирлик	65	65	64	66	68
Олий таълим муассасаларини битирган мутахассислар сони (минг киши)	76,4	86,3	60,9	63,1	67,6
10 000 аҳолига нисбатан	27	29	20	21	

²⁰ Ўзбекистонда ижтимоий ривожланиш ва турмуш даражаси. Статистик тўплами –Т.: 2015, Ўзбекистон рақамларда. Статистик тўплами –Т.: 2015.

Меҳнат бозорида олий ўқув юрти ва касб-ҳунар таълими битирувчиларига бўлган талабни ошириш бўйича иқтисодий тадбирлардан энг асосийси иқтисодиёт тармоқларида таркибий ўзгаришларни амалга оширишдир. Бунга энг аввало мулкчилик шакллари ривожлантириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, хорижий инвестициялар жалб қилиш, маҳаллийлаштириш дастурига тўла амал қилиш, ишловчиларнинг моддий ва маънавий манфаатдорлигини кўтариш, солиқларни оқилона белгилаш орқали эришилади.

Битирувчилар бандлигини оширишнинг муҳим иқтисодий тадбирлар мажмуасига хизмат кўрсатиш соҳаларида янги иш жойларини яратиш, бунда янги замонавий хизматлар ҳисобига кенгайтиришни ташкил қилиш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида қайта ишлаш саноати тармоқларини кўпайтириш, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва ижтимоий ишларни маблағ билан таъминлаш киради.

Мазкур масалага Президентимиз И.А.Каримов 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида эътибор қаратиб, “Ёшларимиз, фарзандларимизнинг, айниқса, қишлоқ жойларда бандлик муаммоси биз учун энг долзарб вазифалардан бири бўлиб қолаётганини назарда тутгун ҳолда, туман, шаҳар ва вилоят ҳокимликлари раҳбарларига бу борадаги ишлар учун улар шахсан жавобгар эканини яна бир бор таъкидлашни ўринли, деб биламан.

Ҳар йили касб-ҳунар коллежлари ва лицейларга қабул режасини ишлаб чиқишда 3-4 йилдан сўнг туман, шаҳар ва вилоятлар ҳудудида қандай янги объектлар ишга туширилиши, уларда меҳнат қилиш учун қайси мутахассисликлар бўйича қандай кадрлар кераклигини ҳар томонлама ҳисобга олиш ва шу асосда қабул режасига тегишли

ўзгартиришлар киритиш ғоят муҳим масала эканини эслатиб ўтмоқчиман” деди.²¹

Ушбудан келиб чиқиб, олий ўқув юртлари ва касб-ҳунар коллежлари фаолиятидаги энг заиф бўғин ҳисобланган ишга жойлаштириш масаласини ижобий ҳал қилиш мақсадида қуйидагилар амалга оширилмоқда:

- ананавий меҳнат ярмаркалари ташкил этилмоқда;
- олий ўқув юртлари ҳамда касб-ҳунар коллежлари битирувчилари тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиноқда;
- битирувчиларнинг бизнес лойиҳаларига имтиёзли микрокредитлар ажратилмоқда;
- меҳнат органлари олий ўқув юртлари ҳамда касб-ҳунар коллежлари билан мунтазам равишда ҳамкорликда иш олиб бормоқда;
- битирувчиларни ишга жойлаштиришга қаратилган ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилмоқда;
- меҳнат бозорида янги мутахассисликларга бўлган талаб ўрганилмоқда;
- хўжалик юритувчи субъектлардан меҳнат органлари бўш иш ўринлари ҳақида маълумот талаб қилмоқда;
- корхоналарда квота иш ўринлари шакллантирилмоқда;
- меҳнат органлари томонидан қайта ўқитиш ва касбга йўналтириш тадбирлари амалга оширилмоқда.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Ёшларимизнинг барчасини тенг кўриш, уларнинг бой ва камбағалнинг боласига ажралиб қолишига йўл қўймаслик, ўқишни битиргач, ҳар бирини ишга жойлаштириш давлат ва жамиятнинг, ота-оналар ва ҳаммамизнинг бурчимиздир.”²²

Шундай экан, биринчи навбатда касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларининг самарали иш билан бандлигини таъминлаш, уларнинг келажакдаги ўз ўрниларини топишга кўмаклашиш ва

²¹ Каримов И.А. “Бош мақсадимиз –мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодийётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир” Вазирлар Маҳкамасидаги маърузаси. // Халқ сўзи газетаси 2016 йил. 16 январь № 11.

²² Каримов И.А. Она юртимиз бахту икболи ва буюк келажакдаги йўлида хизмат қилиш-энг олий саодатдир. Т.: “Ўзбекистон”, 2015 б-154.

олган мутахассисликлари бўйича меҳнат фаолиятига йўналтириш беҳад муҳимдир.


Аҳоли турмуш даражаси ва фаровон юшаши юксак қадирланаётган юртимизда бандлик муаммолари ва уларни ҳал этиш масалалари юқори ўринга чиқмоқда ва кўп укладли иқтисодий ривожлантириш эвазига мунтазам иш ўринлари яратилиб борилмоқда. Хусусан, махсус дастур доирасида таълим муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлаш масалалари тизимли асосда ҳал этилмоқда.

Битирувчилар самарали бандлигини таъминлашда битирувчиларнинг касбий маҳоратини ошириш ишлаб чиқарувчилар билан узвий алоқаларни ўрнатиш ишлаб чиқарувчилар талаби асосида мутахассисларни тайёрлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Талабаларда касбий маҳоратни шакллантириш модели 2.3.1- расмда келтирилган.

Мустақил Ўзбекистонимиз бугунги кунда халқаро ҳамжамиятда муносиб ўрин эгаллаб тараққиёт сари юз тутмоқда. Иқтисодий барқарор ривожлантириш аҳолига муносиб турмуш тарзини яратиш иш билан бандлигини таъминлаш механизмини мустаҳкамлаш ҳар биримизнинг бурчимизга айланмоқда.

Хулоса қилиб шуни эътироф этиш керакки, мамлакатимизда қабул қилинган барча ижтимоий дастурлар Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлигини таъминлашга қаратилган. Анъанавий тарзда ҳар йили йилнинг номланиши ва шу муносабат билан қабул қилинган Давлат дастури ҳам мазмун-моҳияти ва аҳамиятига кўра, давлатимизнинг юксак мақсадларга эришишининг ишончли кафолати бўлиб, ўз мустақил фикрига эга, мустаҳкам иродали, чуқур билимли, ҳеч кимдан кам бўлмаган баркамол авлодни вояга етказиш йўлида дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Талабаларда касбий маҳоратни шакллантириш модели



2.3.1-расм

Хулоса ва таклифлар

Ўзбекистонда таълим тизимини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишларини ўрганиш асосида қуйидаги **хулосага** келинди.

1. Таълим тизими инсон шахсини ривожлантиришга, инсоннинг камолатига ва тараққиётига, инсоннинг шахсининг шахс сифатида шаклланишига, ишчи кучини такрор ишлаб чиқаришга ва инсон капиталининг юзага келишини таъминлайдиган соҳа ҳисобланади.

2. Таълим тизимини ислоҳ қилиш Ўзбекистонда қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури негизида тизимли ёндашув мавжудлигини, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш муаммоси ва унинг ҳал қилиниши барча омилларнинг ўзаро боғлиқлик йиғиндиси ҳамда кадрлар тайёрлаш тизимининг ялпи самарали ишларига таъсирини англатади.

3. Узлуксиз таълим тизимида - кадрлар тайёрлаш тизимининг узлуксиз таълим фундаменти асосида шахс ўзининг ҳаёт йўлида танлаган, профессионал қобилиятини такомиллаштириш ва имкониятларини амалга ошириш ҳисобланади. Буларни ҳисобга олган ҳолда миллий дастур узлуксиз таълим тизимининг мазмуни ва таркибини ислоҳ қилиш мўлжалланган. Бу шахс, жамият ва давлатнинг ривожланаётган бозор муносабатлари талабига жавоб беришини билдиради.

4. Мамлакатда такомиллашган кадрлар тайёрлаш ва касб-хунар таълими фаолият кўрсатишдан иборат. Ушбу тизим юқори даражада ривожланган жамиятда умумий ва касбий маданиятли, ижтимоий ва шахсий фаол бўлган, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил қарорлар қабул қила оладиган одамларнинг янги авлодини шакллантиришга кўмак беради.

5. Касб-хунар таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури интеллектуал жиҳатдан юксак салоҳиятли авлодни камол топтиришга хизмат қилиб, узоқ давр - ислоҳотларнинг стратегик йўналишларини аниқлашдан, то уларни тугаллашгача бўлган даврни олади.

6. Касб-хунар таълими ислохотлар базасида шаклланаётган янги авлод рақобатбардош гармоник ривожланган кадрлар қобилият эгаси бўлиб, келажакда юқори маданий тафаккур ва мустақил равишда илмий-техника ва ижтимоий-сиёсий ахборотлар йўналтирилган вазифаларни ҳал қилишга хизмат қилади.

7. Ёшларнинг касб-хунарга қизиқиши ва шу йўналишда таълим олиши, таълимнинг сифати ва миқдори, таълимнинг илмий ва ахлоқий жиҳатидан янги талабларни қанақадан қанақаловчи қилиниши, таълимнинг илмий ва ахлоқий жиҳатидан янги талабларни қанақадан қанақаловчи қилиниши ва таълимнинг илмий ва ахлоқий жиҳатидан янги талабларни қанақадан қанақаловчи қилиниши.

Ушбу хулосалардан келиб чиқиб, Ўзбекистонда таълимни ислох қилишнинг асосий йўналишларини такомиллаштиришга қаратилган кўйидаги **таклиф ва тавсиялар** ишлаб чиқилди:

- таълим тизимининг ташкилий ва услубий изчиллигини таъмин этиш;
- соҳалар вазифасини ҳал этиш учун мақсадли мутахассислар тайёрлаш яқдиллигини амалга ошириш;
- ўрта қатлам мутахассисларини тайёрлаш учун ташкилотларнинг моддий техника базаларидан ҳамда олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларнинг салоҳиятидан фойдаланиш;
- талабаларни бир-бирига ўқитиш касбларни эгаллашларини амалга ошириш керак. Ўқитиш касблар ва ихтисосларни эгаллаб олган, узлуксиз ўзгариб турадиган ишлаб чиқариш шароитларига анча енгил ва тез мослаша оладиган кўп қиррали кадрларни кўпайтириш зарур;
- мумкин қадар ҳар томонлама такомиллаштириш, энг муҳим вазифа - кадрлар тайёрлашнинг барча тизимини тубдан янгилаб, унинг меҳнат фаолиятининг ўзида узлуксиз касб ўрганиш ва касб алмаштиришни таъминлайдиган, иқтисодий билимларни касбий тайёргарликнинг узвий элементига айлантирадиган қилиш зарур;
- ҳунар қулайлик ва касб-хунарни қонуний равишда ривожлантириш, касб-хунарни қонуний равишда ривожлантириш, касб-хунарни қонуний равишда ривожлантириш, касб-хунарни қонуний равишда ривожлантириш.

- o'quvchi ishchilarning iqtisodiy, o'qim o'qituvchi va o'qituvchi ishchilarning iqtisodiy va ijtimoiy yunaltilgan mehnat bozori faoliyatini yildan yilga kengaytirib borib, ular tomonidan utkaziladigan mehnat yarmaklarini muntazam utkazilishini ta'minlash zarur;
- ish tadbirkorlariga mo'ljallangan kredit va xom-ashir resurslarini olishlarida erdam bериш tizimining shakllantirish;
- ish tadbirkorlarning bazar konyunkturasini, xom-ashir va mo'ljallangan resurslar bozori bo'yicha axborot bilan ta'minlovchi infraqizilmani shakllantirish;
- kichik biznes, xususiy tadbirkorlik, oilaviy biznes va xizmat kursatish sohalarini yanada rivojlantirish;
- mumkin qadar har tomonlama ta'limni takomillastirish, eng muhim vazifa - kadrlar tayyorlashning barча tizimining tubdan yangilab, uning mehnat faoliyatining uzida uzluksiz kasb urganiш va kasb almashtirishni ta'minlaydigan, iqtisodiy bilimlarning kasbiy tayyorgarlikning uzviy elementiga aylantiradigan qilib zarur.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари.

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни. Т. «Шарқ» 2001. Олий таълим меъерий хужжатлари. 3-18 бетлар.
2. Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури. Т. «Шарқ» 2001. Олий таълим меъерий хужжатлари. 18-52 бетлар.
3. «Ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори. Халқ сўзи газетаси, 2005, 3-июн.
4. «Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими учун дарсликлар ва ўқув адабиётининг янги авлодини яратиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги 341-сонли Қарори.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари

1. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т.:, 2005. 82 б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли – Т.: “Ўзбекистон”, 2007. 48 б
3. Каримов И.А. “2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш-устувор вазифамиздир ” Вазирлар Маҳкамасидаги маърузаси. // Adolat газетаси 2015 йил. 17 январь №3.
4. Каримов И.А. ”2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафабар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар

стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади” Вазирлар Маҳкамасидаги маърузаси. // “Халқ сўзи” 2014 йил. 18 январь №13.

5. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш-энг олий саодатдир. Т.: “Ўзбекистон”, 2015 б-154.

6. Каримов И.А. 2012 йил ватанамиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналашларга бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. //Халқ сўзи, 2012 йил 20 январь,№14 (5434)

7.Каримов И.А. Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти куриш-ёруғ келажагимизнинг асосий омилидир.-Т: Ўзбекистон, 2013.-Б. 28.

III. Асосий адабиётлар

1. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар и педагогик маҳорат- Т.: ТДПУ “Низамий”, 2003.

2. Абулқосимов Ҳ. П. Шаклланаётган бозор иқтисодиётида инсон омили ва уни фаоллаштириш йўллари –Т.: «Молия», 2005. 225 б.

3. Ғуломов С.С, Убайдуллаева Р, Аҳмедов Э. Мустақил Ўзбекистон –Т.: «Тошкент ислом университети», 2003. 296 б.

4. Иномов И. Иқтисодий тарбия назарияси-Т.: ТДИУ, 2005.- 248. Б.

5. Йўлдошев З. Миллий иқтисодиёт –Т.: «Молия», 2004. 208 б.

6. Рахимова М.Р. Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиёти Т.: «Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси», 2004. 128 б.

7. Тўхлиев Н. ва бошқалар Ўзбекистон иқтисодий асослари -Т.: «Ўзб. Мил. Энцик», 2006, 280 б.

8. Тўхлиев Н. Ўзбек Модели тараққиёт тамойиллари -Т.: «Ўзб. Мил. Энцик», 2014, 264 б.

- 9.Одилова Г. Ўзбекистонда малакали кадрлар тайёрлаш ва таълим мажмуини ривожлантириш йўналишлари //Бозор пул ва кредит. – Тошкент, 2004. - №6.
- 10.Усмонова Р. Таълим хизматлари бозорининг ривожланиши //Бозор пул ва кредит. -Тошкент, 2007. - №6.
- 11.Ҳасанов Р. Хўжаев Ҳ. Иқтисодий ўсишда инсон омили //Бозор пул ва кредит. -Тошкент, 2007. - №5.
12. Шадмонов Ш.Ш., Баубекова Г.Д. Педагогическое мастерство и инновации в преподавании экономической теории: Методическое пособие. - Т.: Центр «Янги аср авлоди», 2004.
13. Шадмонов Ш.Ш., Баубекова Г.Д., Халикова Г.М. Инновационные методы обучения в экономическом образовании. - Т.: ФАН, 2002.

IV. Интернет сайтлари

- 1.www.lex.uz
- 2.www.glef.org. Джордж Лукасинг Таълимнинг фонди.
3. www.newhorizons.org. Таълимнинг янги уфқлари.
4. [www. Soc.pu.ru](http://www.Soc.pu.ru)
5. www. Meo.ru